

ЮСУФ ХОС ХОЖИБНИНГ ГНОСЕОЛОГИК ҚАРАШЛАРИДА РАЦИОНАЛЛИК ТАМОИЛИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.15663755>

Азизкулов Акрам Абдурахмонович

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
Ижтимоий фанлар кафедраси мудири,
доцент, фалсафа фанлар номзоди.

Абдурахмонов Исҳак

Sharof Rashidov nomidagi Samarqand davlat
universiteti Urgut filiali " Pedagogika va jismoniy madaniyat "
kafedrasi ўқитувчиси

Аннотация: Мазкур мақолада Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асаридаги гносеологик гояларнинг фалсафий-методологик таҳлили баён этилади. Шунингдек, мақолада аллома илгари сурган рационаллик тамойилининг замонавий таълим-тарбия тизимидаги аҳамияти ёритиб берилади.

Таянч сўзлар: Юсуф Хос Ҳожиб, “Қутадғу билиг”, билим, идрок, ақл, тафаккур, мантиқий фикрлаш, рационаллик.

Аннотация: В данной статье представлен философско-методологический анализ гносеологических идей в произведении Юсуфа Хас Хаджиба "Кутадгу билиг." Также в статье освещается значение принципа рациональности, выдвинутого ученым, в современной системе образования.

Ключевые слова: Юсуф Хас Хаджиб Баласагуни, "Кутадгу билиг," знание, восприятие, интеллект, мышление, логическое мышление, рациональность.

Abstract: This article describes the philosophical-methodological analysis of the epistemological ideas in Yusuf Khas Hajib 's work "Kutadgu Bilig". Also, the importance of the principle of rationality put forward by the scholar in the modern educational system is highlighted in the article.

Key words: Yusuf Khas Hajib, "Kutadgu Bilig", knowledge, perception, mind, thinking, logical thinking, rationality.

КИРИШ

Кишилик цивилизатсияси ва маданиятининг илк ўчоқларидан ҳисобланган Марказий Осиёдан етишиб чиққан буюк мутафаккирларнинг ўлмас асарлари минг йиллар давомида башарият маънавий тарақиётида маёқ вазифасини бажариб келмоқда. Улар томонидан яратилган табиий илмий фанларга оид кашфиётлар замонавий илм-фаннинг пойдеворини ташкил

этган бўлса, шарқона ахлоқ –одобга доир ишлаб чиқилган таълимотлар комил инсонни тарбиялашда ханузгача ўз аҳамиятини йўқотмаган. Минг йилдан буён шарқона тарбиянинг назарий асоси бўлган Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асари ҳам шундай маънавий мерос сифатида туркий халқлар тафаккури хазинасининг ноёб дурдонаси, одоб ахлоқ фалсафасининг қомуси ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек: Туркий халқларнинг улуғ шоири Юсуф Хос Хожибнинг “Қутадғу билик” асарида ҳам инсоннинг билим қуввати ва ақлий салоҳияти беҳад улуғланади”[1,133].

Мазкур нодир маънавий мероснинг минг йиллиги ватанимизда кенг нишонланган тантаналарда алломанинг асари ўн асрдан буён Шарқ халқлари маънавияти тараққиёти йўлида беминнат хизмат қилиб келаётганлиги хорижий ва республикамизнинг атоқли олимлари томонидан асослаб берилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАРИ

«Қутадғу билик»га доир илмий ишлар бир неча йўналишда олиб борилган, биз бу ўринда тарихий, ижтимоий-гуманитар, лингвистик, умумфилологик, матншунослик, шеършунослик, этнографик, педагогик ва бошқа аспектларни қайд этишимиз мумкин. Бу борада, айниқса, Г'.Вамбери, М.Купрулизода, Фитрат, А.Саъдий, Р.Р.Арат, Н.И.Ильминский, В.В.Радлов, С.Е.Малов, Н.Н.Юдахин, А.Самойлович, П.М.Мелиоранский, В.В.Бартольд, Н.А.Баскаков, Е.С.Бертельс, А.Н.Кононов, А.А.Валитова, И.В.Стеблева, Н.М.Маллаев, А.П.Қаюмов, Ғ.А.Абдурахмонов, Қ.Каримов, Қ.Содиқов ва бошқаларнинг алоҳида хизматлари бор [2,5]. Тадқиқот учун бош объект Юсуф Хос Хожибнинг «Қутадғу билик» асари. Қиёсий материал сифатида фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ахлоқ-одоб фалсафасининг қомуси ҳисобланган мазкур асар инсонийликнинг гўзал хислатлари: ҳалоллик, диёнатлилик, оқилоналикни тараннум этилади. Бизнингча асарнинг илмий аҳамияти уни рационал мантиқийлик тамойилига асосланганлигидадир. Мазкур асарда олимнинг гносеологик қарашлари, ундаги мантиқий рационалистик ёндашувлар замонавий эпистемологик нуқтаи назардан ханузгача долзарблигини йўқотмаган. Аввало мутафаккир кишини оламни ва борлиқни, шунингдек ўз-ўзини билиш жараёнини рационалистик нуқтаи назардан талқин этади. Аллома асарнинг ибтидосидаёқ “Инсоннинг қадри билим билан белгиланиши ҳақида” боб мавжуд. Мазкур бобда инсоннинг кадр-қиммати унинг ақл-у фаросати, эгаллаган билими билан ўлчанишга урғу беради. Шу ўринда аллома инсоннинг улуғлиги билим билан белгиланишини таъкидлар экан, идрок ва маърифат ҳар қандай жумбоқ, тугунларни ҳал қилиш воситаси эканлигини уқтиради.

Билим берди, шундан улуғлик бугун

Ҳам идрок , маърифат-ёзгувчи тугун [3, 28].

Инсон комилликка, улуғликка билими билан эришишини, бунинг учун эса идрок ва маърифат зарурлигини таъкидлайди. Алломанинг фикрича, идрок ва маърифат ҳар қандай жумбоқ, тугунларни ҳал қилишнинг асосий воситасидир.

Эзгулик ва яхшилик, бунёдкорлик каби ахлоқий фазилатларнинг ибтидоси ва асоси илм эканлигини аллома қуйидагича таъкидлайди:

Аллоҳ кимга берса билим – идрок, билиг

Қўл узатган иши бўлур эзгулик [3, 28].

Юсуф Хос Ҳожибнинг фикрича, билимни эгаллаган киши доимо эзгуликка интилади. Ақл-идрок орқали инсон ёвузликнинг қандай мудҳиш оқибатларга олиб келишини яхши англайди ва шу боис ҳам эзгулик учун курашади.

Юсуф Хос Ҳожиб билимни, ақл-идрок ҳосиласи дер экан, у Х асрдаёқ рационализм ғоясини илгари сурган. Инсон мол-мулки, давлат-у бойлиги, куч-қудрати-ю, паҳлавонлиги билан эмас, балки билим билан буюкликка етишини уқтирмоқда. Билим учун эса ақл, идрок, фаросат зарурлигини алоҳида қайд этиб ўтади.

Идрок қайда бўлса, улуғлик шунда

Билим кимда бўлса буюклик шунда[3, 28]

Инсоннинг буюклиги, қудрати унинг тўплаган бойлигига ёки аслзода насл-насабига, ёйинки гўзаллиги, жисмоний куч-қувватига эмас, балки фақат ва фақат ўзлаштириб олган билимига, мантиқий тафаккур қобилиятига боғликлигини аллома асарида бир неча бор таъкидлаб ўтади. Тўғри идрок этадиган ва мантиқий тўғри хулоса чиқара оладиган оқил одам, алломанинг фикрича, албатта, ўз мақсадига, муродига етади.

Доно билур, идрок этади оқил

Билимли, оқилнинг муроди ҳосил [3,28]

Мутафаккир аввало, ўзлаштириб олинган билимнинг моҳиятини яхши тушуниб олиш лозимлигини айтиб ўтади. Шундагина ўқувчи яхши билим олиши, пухта эгалланган билим эса, барча муаммоларни ҳал қилиш омили эканини уқтиради, яъни назарий олинган билимларини амалиётга, ижтимоий муносабатларда оқилона фойдалана олишлигини таъкидлайди.

Билим маносини бил, яхши билим ол,

Билимни бил мушкул ерингда қурол [3,28]

Аллома бу ерда билимни амалиётда қўллаш зарурлигини таъкидлаши билан замонавий эпистемолгогияда назария ва амалиёт бирлигини тарғиб этмоқда.

Уқув, билим жуда эзгу нарса, соз,

Етсанг ишлат, кўкка айлагил парвоз

Жаҳонгир бўлмоқ-чун заковат керак,

Эл олмоқ-чун ақл, фаросат, юрак.

Билим-ла подшолар оламини тутди,

Заковатдан кўп халқ кўлига ўтди. [3, 33]

Мазкур мисраларда ҳам аллома киши олган билим, укувларини амалиётда қўллай билсагини барча мақсадларга эришиши мумкинлигини таъкидламоқда.

Билимнинг фазилатини баён этар экан, аллома билимсизликнинг инсон ҳаётидаги ҳалокатли оқибатини баён этади.

Билимсизнинг бари дардлик бўлади,
Дардин эмламаган киши ўлади [3,28].

Билимсизлик инсонни жоҳиллик – дардига дучор қилишини уқтиради. Дардни даволамаса, яъни эмламаса, албатта ҳалокатга дучор бўлади. Дарди даволанмаган, эмланмаган беморнинг ўлими муқаррар бўлганидек, билимсиз ҳам хор бўлиб ҳалокатга учрашини таъкидлайди. Билимсизга даво - бу билим олиш, айнан шу туфайли бахтли бўлади, деб таъкидлайди Юсуф Хос Ҳожиб.

Дардинга даво қил, келгин, эй нодон
Билимсиз хор, доно бахтлидир инон [3,28]
Закийга каттадир законинг нафи,
Билимдан яна ҳам ортар шарафи [3,29]

Инсон ҳаётида ақл ва билимнинг аҳамиятини баён этар экан, аллома барчани билим олишга чақиради ҳамда бахтли, фаровон ҳаётнинг калити билим эканини таъкидлайди.

Уқув-ул зулматни ёритур машъал,
Билим – ул ёритган нур сени ял-ял.
Билим, идрок билан кишидир киром,
Бу икки ортидан топилур эҳтиром [3,39].
Ҳар не ишинг бўлса, ўқув бирла қил,
Бахт, иқбол калити билим эрур, бил [3,29]

Юсуф хос Ҳожиб инсон фаолиятида ақлнинг ўрнини баён этишга жуда катта урғу беради. Инсоннинг бир-биридан фарқи, ақли ва идрок этишг даражаси эканини Юсуф Хос Ҳожиб қуйидагича баён этади:

Кишининг кишидан талай фарқи бор
Бу фарқни билимдир этгувчи ошкор
Билимсиз-ла йўқдир сўзим ҳеч менинг
Хизматинг бажарай, эй оқил, сенинг [3,32]

Инсон ҳаётида билимнинг бебаҳо аҳамият касб этишини қуйидагича таъкидлайди:

Билим қадни букмас, бойликдир тайёр,
Ололмас қўл чўзиб ҳеч ўғри, айёр [4,41].

Юсуф Хос Ҳожиб гносеологиядаги энг эътиборли жиҳатлардан бири эътиқод ва ақл категорияси нисбатига рационалистик ёндашувидадир.

Барча эзгуликлар билимдан келгай,
Билимдан одамзод Худони билгай [4,33]

Христиан динининг етук намояндалари Худони билишда ақл шарт эмас, десалар, минг йил аввал Юсуф Хос Ҳожиб Яратгувчини бандаси

фақат ақли тафаккури ва билими орқали танишини таъкидлайди. Аллома ҳар қандай эътиқод аввало, ақл ва билимга асосланишини лозимлигини таъкидлаши гносеологик қарашларининг ютуғини ташкил этади.

Биз мутафаккирнинг “Қутадғу билиг” асарида рационаллик тамойилини қисман ёритишга ҳаракат қилдик. Алломанинг асари ахлоқ-одобга доир қомусий характерда бўлиб, унда этика-эстетика, математика, иқтисод, астрономия, дипломатия, тиббиёт, фармацевтика, ҳарбий соҳа, умуман, ижтимоий, сиёсий-иқтисодий, ҳуқуқий ва маданий-маърифий, маънавий, илмий ва бошқа қатор соҳаларга доир қарашларга дуч келиш мумкин [5,6].

XULOSA

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, аввало Шарқ халқлари маънавий меросининг нодир дурдоналаридан бири бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг” асари рационаллик тамойилига асосланганлиги учун минг йилдан буён Марказий Осиё халқлари маданий тараққиётига ижобий таъсирини ўтказиб келмоқда. Иккинчидан, Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” асари ҳозирги глобаллашув шароитида ҳам тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган ва мураккаб ахборотлашган жамият босқичида ёшларни турли маънавий таҳдид ва ахборот хуружларидан ҳимоя этишда муҳим назарий манба ҳисобланади. Учинчидан, Юсуф Хос Ҳожиб илмий меросининг маънавий-ахлоқий, тарбиявий аҳамиятини теран англаган ҳолда, ундан узлуксиз таълим тизимини барча босқичларида, шунингдек, миллий қадриятларимиз тарғиботида кенг фойдаланиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон – Тошкент: “O’zbekiston” нашриёти, 2024й.-560 б.
2. Тўхлиев Б. Юсуф Хос Ҳожиб ва туркий халқлар фольклори. - Тошкент: “BAUOZ” нашриёти, 2013.-Б.5.
3. Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг” (“Саодатга элтувчи билим”). – Т, “Академнашр”. 2015.
4. Равшанов Ф. “Саодатга элтувчи билим”га қизиқиб.../Юсуф Хос Ҳожиб. “Қутадғу билиг”. Akademnashr. 2015.
5. Равшанов, Фазлиддин. Давлат фуқаролик хизматчисининг маънавий қиёфаси (Рисола) [Матн] / Ф.Равшанов. – Тошкент: «Маънавият» нашриёти, 2023. – 296 б.